

Медиаконвергенция журналист кадрлар тайёрлаш тизимини қайта шакллантириш омили сифатида

Аъзамжон Дадахонов Олтмишевич
Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти
кафедраси, ЎзДЖТУ
Тошкент, Ўзбекистон

Ёзишмаларга жавобгар муаллиф:

Аъзамжон Дадахонов Олтмишевич
Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти
кафедраси, ЎзДЖТУ
Тошкент, Ўзбекистон
Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўзгариш,
Пастдархон МФЙ, Пастдархон кўчаси, 39-уй
+99899 3055607
intern-journ@yandex.ru

Mediakonvergensiya jurnalist kadrlar tayyorlash tizimini qayta shakllantirish omili sifatida

A'zamjon Dadaxonov Oltmishevich
Xalqaro jurnalistika nazariyasi va amaliyoti
kafedrası, O'zDJTU
Toshkent, O'zbekiston

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда журналист кадрлар тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати, бу борада тўпланган тажрибалар келтирилади. Ахборот асри технологиялари ривожланиши билан миллий журналистика таълимида юз бераётган ўзгаришлар, давлат раҳбарияти томонидан соҳага ва таълим тизимини ривожлантириш учун қўйилаётган талаблар таҳлил қилинади.

Медиаконвергенция тушунчасининг тавсифи ва тансифи, журналистик амалиётда ва таълимда мазкур тушунчанинг аҳамияти ошиб бораётганлиги илмий-назарий қарашлар орқали очиқ беришга ҳаракат қилинган. Интернет журналистика тараққиёти ахборот соҳасида янги фаолият турлари ва журналистика кўринишларини ҳам шакллантиргани, блогерлик ва блогсоҳа, фуқаролик журналистикаси, фриланс журналистика каби янги соҳалар бевосита онлайн журналистика таркибида ривож топаётгани, пировардида, мазкур тармоқларда эркин ижод қиладиган журналистлар, пиарменларга эҳтиёж ортиб бораётгани таъкидланади. Интерактив журналистика интернет маконида янада кенгроқ имкониятларга эга бўлган ҳолда тараққий этаётгани, мобиль алоқаларнинг оммалашishi ва ижтимоий тармоқларнинг тараққиёти аҳолининг ахборотни олиш ва тарқатишдаги ролини кучайтираётгани – таълимда ҳам янгиланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатиши айтиб ўтилади. Журналистика факультетларидан етишиб чиққан Интернет журналистлари бу

борада аҳолидан кўра кўпроқ билим ва тажрибага эга бўлишлари, аҳолининг глобал тармоқда ва анъанавий ОАВ каналларида ахборотга бўлган эҳтиёжини тезкор ва сифатли тарзда қондиришлари талаб этилади. Шу асосда мақолада ахборот даври талабларига мос малакали журналист кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажриба ва моделларидан мисоллар келтириш орқали миллий таълим тизимини янада яхшилаш зарурлиги асослаб берилди. Замонавий журналистик таълимда ахборот технологияларининг қўлланишининг таълим самарадорлигига ва талабаларда рақамли медиатеchnологиялар ва Интернет журналистикада ижод қилиш бўйича касбий малакаларни шакллантириб бориш бўйича хулосалар берилган. Таълим моделлари ва дарс жараёнларига ахборот-коммуникация ва интернет технологияларининг жорий этишнинг усул ва воситалари бевосита замон талабларидан келиб чиқиши лозимлиги, журналистик таълим бутун дунё миқёсида тез суръатларда ўзгариб янгиланиб бораётганини таҳлил этиш асосий мақсадлардан бири сифатида қаралган.

Мақола кириш, мақсад ва вазифа, усуллар, натижа ва мулоҳаза ҳамда хулосалар бўлимларидан таркиб топган.

Калит сўз ва сўз бирикмалари: медиаконвергенция, дивергенция, малакали журналист кадрлар, рақамли медиатеchnологиялар, интернет журналистика, журналистик таълим, глобаллашув, мультимедиа воситалари, оммавий коммуникация, таълим моделлари.

В этой статье представлен обзор текущего состояния подготовки журналистов в Узбекистане и накопленный опыт в этой области. С развитием информационных технологий, изменения в национальном журналистском образовании, анализ требований развития промышленности и системы образования будут анализироваться правительством.

Понятие и характер концепции медиа-конвергенции, попытка объяснить с помощью научных и теоретических перспектив возрастающее значение этой концепции в журналистской практике и образовании. Развитие интернет-журналистики также формирует новые виды деятельности, включая ведение блогов, гражданскую журналистику, внештатную журналистику и, наконец, потребность в журналистах и пиарщиках, которые будут работать в эти отрасли. Также подчеркивается, что в Интернете развивается интерактивная журналистика с более широким спектром возможностей, популярностью мобильной связи и развитием социальных сетей, повышением роли населения в распространении информации, а также необходимостью обновления в образовании. Выпускники интернет-факультетов журналистики нуждаются в большем количестве знаний и опыта, чем население, и им необходимо быстро и качественно удовлетворять потребности населения в мировых и традиционных средствах массовой информации. В связи с этим в статье подчеркивается необходимость дальнейшего совершенствования национальной системы образования путем предоставления примеров международного опыта и моделей квалифицированных журналистских кадров, отвечающих требованиям возраста информации. Предложения и рекомендации по использованию информационных технологий в современном журналистском образовании и формировании у студентов профессиональных навыков в цифровых медиа и в интернет-журналистике. Методы и инструменты для внедрения информационно-коммуникационных и интернет-технологий в образовательные модели и учебные процессы должны быть напрямую связаны с современными требованиями, а важность журналистского образования во всем мире быстро меняется.

Статья состоит из введения, целей и задач, методов, выводов и выводов.

Ключевые слова и фразы: медиасовершенствование, расхождение, квалифицированные журналистские кадры, цифровые медиа, интернет-журналистика, журналистское образование, глобализация, мультимедийные инструменты, массовые коммуникации, модели обучения.

This article provides an overview of the current state of journalist training in Uzbekistan and experiences gained in this regard. With the advancement of information technology technologies, changes in national journalism education, analysis of the requirements for the development of the industry and the education system will be analyzed by the government.

The concept and character of the concept of media convergence, the attempt to explain through the scientific and theoretical perspectives of increasing the importance of this concept in journalistic practice and education. The development of Internet journalism also shapes new types of activities in the field of information, including blogging, citizen journalism, freelance journalism, as well as the emergence of online journalism, and, finally, the need for journalists and PR men who would work in these industries. It is also emphasized that interactive journalism is developing in the Internet, with a wider range of possibilities, the popularity of mobile communication and the development of social networks, increasing the role of the population in the dissemination and dissemination of information - and the need for updating in education. Internet journalism graduates from journalism faculties need more knowledge and experience than the population, and they need to meet the needs of the population in the global media and traditional media outlets fast and qualitatively. In this regard, the article highlights the need to further improve the national education system, by providing examples of international experiences and models of qualified journalist cadres who meet the information age requirements. Offers and recommendations on the use of information technology in modern journalistic education and the formation of professional skills in digital media and Internet journalism in students. Methods and tools for introducing information and communication and internet technologies into educational models and lesson processes should be directly linked to modern requirements, and the importance of journalistic education worldwide is rapidly changing.

The article consists of the introduction, goals and objectives, methods, conclusions, and conclusions.

Key words and phrases: media convergence, divergence, qualified journalist cadres, digital media, internet journalism, journalistic education, globalization, multimedia tools, mass communication, education models.

Кириш

Ахборот ва ахборот-коммуникация соҳасидаги инқилоб дунёни жуда тез суръатларда ўзгартириб, инсониятга унинг ҳаётий фаолияти соҳаларида янги ечимлар ва имкониятларни тақдим этмоқда. Том маънодаги тарихий аҳамиятга эга бўлмиш мазкур жараёнлар ўз навбатида ОАВ фаолиятига ҳамда журналистик таълимга ўз таъсирини ўтказди. XXI аср ахборот технологияларининг тараққиёти асри сифатида инсоният тарихига кириб келмоқда.

Бугунги кунда журналист мутахассислар мамлакатимиздаги тўртта олий таълим муассасасида — ЎзМУ, ЎзДЖТУ, ЎзЖОКУ, ҚДУда тайёрланмоқда. Ушбу олий таълим муассасалари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, талабаларга назарий билим бериш, малакавий амалиётга юбориш, таҳририятларда “Маҳорат мактаблари” очиш ёки турли семинар-тренинглар ташкил этиш орқали талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга ҳам ҳаракат қилиб келишмоқда. Лекин тан олиш керакки, бугун журналистик амалиёт катта ўзгаришлар чорраҳасида турибди. Интернет ва рақамли технологияларнинг тараққиёти, ахборот асри ва ахборот технологияларининг глобаллашуви натижасида Паблик рилейшнз ва оммавий коммуникация соҳалари ривожланмоқда. Натижада онлайн журналистика, блогсоҳа, фуқаролик

журналистикаси, медиадизайн, ижтимоий медиамаркетинг каби янги тармоқлар, шунинг баробарида янги фаолият кўринишлари шаклланди. Анъанавий журналистикада жанрлар трансформацияси юз бермоқда. Журналистлар фаолиятида ҳам универсаллашув, ҳам ихтисослашув жараёнлари кузатилмоқда. Бу жараёнларнинг барчаси журналистик таълимни тубдан янгилаш ва замон талабларига мос янгича таълим моделларини жорий этиш заруратини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 24 майдаги “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорида университетнинг вазифаси ҳамда журналистика таълимини ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида журналистика соҳасини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асослари, замонавий медиатеchnологияларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали журналист кадрларни миллий ва халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш; мамлакатимизнинг оммавий коммуникация ва журналистика соҳасида эришган ютуқлари, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибаси ва ҳудудларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситаларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича ўқув-услубий адабиётларни яратиш, шунингдек, ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини ва масофадан ўқитиш усулларини жорий этиш сингари қатор вазифалар келтириб ўтилган [1].

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда журналистик таълимда назария ва амалиётни боғлаган ҳолда ва хорижий тажрибанинг энг муҳим ютуқларини изчил ўрганиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва масофадан ўқитиш усулларини жорий этиш журналистика соҳасидаги таълим самарадорлигини оширади.

Мақсад ва вазифалар

Тадқиқотнинг мақсади ахборот асри ва рақамли медиатеchnологиялар ривожланган, миллий ва хорижий ОАВ ўртасида кескин рақобат кучайиб бораётган бугунги даврда замон талаблари даражасида тезкор ва журналистика тамойилларига мос ҳолда иш юрита оладиган журналист кадрларни тайёрлашнинг миллий ва хорижий моделлари, усуллари ва технологияларини ва бу борадаги янгича ёндашувларни тадқиқ қилишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, олдимизга қуйидаги вазифалар қўйилади:

Тадқиқот иши бўйича илмий-назарий адабиётларни ўрганиш.

1. Хорижий энг сўнгги адабиётлар асосида медиаконвергенция ва рақамли ОАВ тушунчаларини илмий жиҳатдан ёритиш ва тадқиқ қўламини аниқлаш;

2. Замонавий журналистик таълим тараққиётида ахборот коммуникация технологиялари, журналистикадаги конвергенция тенденциясининг таълим жараёнларига таъсирини ўрганиш;

3. Онлайн медиа маконда узатиладиган ахборотнинг янгича шакл, жанр ва технологияларини ўрганиш ва хорижда уларни талабаларга ўқитишни амалда

кузатиб, тажрибаларни умумлаштириш, энг оптимал шакллари миллий таълим тизимига жорий қилишга тавсия этиш;

4. Хорижда журналистик таълимда назария ва амалиётнинг қай даражада боғланганлиги бўйича эксперимент ва кузатишлар олиб бориш.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, режалаштирилаётган илмий тадқиқот мақсадлари, усуллари ва натижалари келгусида Ўзбекистонда журналистика соҳасидаги олий таълимнинг янада ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва адабиётлар шарҳи

Республикамизда журналистик таълим сифати, муаммолари, ўқитиш усуллари ҳам ижодий, ҳам педагогик ёндашувлар юртимиз олимларининг қатор ўқув йўлланма ва тадқиқотларида, мақола ва тезисларида муайян фан доирасида ўрганилган бўлса-да, айнан медиаконвергенция шароитида жуналистларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар, шароитлар, ўқитиш жараёнларига бўлган янгича журналистик ёндашувлар тадқиқи амалга оширилмаган. Мазкур мавзу республикамизда эълон қилинаётган кўплаб мақолалар ҳамда журналистик чиқишлар орқали қисман ёритилмоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги ахборот даврида журналистларни ўқитишнинг замонавий усуллари, ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар, педагогик жараёнларда талаб қилинадиган техника-технологиялар, шунингдек, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва истеъмолчи ОАВ билан ҳамкорликда дарс машғулоти ташкил этиш каби масалалар Россиянинг бир қатор мутахассислари, қўшни қозғистонлик олимлар томонидан ҳам тадқиқ этилган. Айни вақтда ҳам мазкур мавзу бўйича узоқ ва яқин хорижда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, россиялик олимлардан И.А.Фатеева «Журналистское образование в России: теория, история, современная практика», А.А.Калмыков «Интернет-журналистика в системе СМИ: становление, развитие, профессионализация», монография В.С.Хелеменднка «Союз пера, микрофона, телекамеры», Е. Л. Вартанова «К чему ведет конвергенция СМИ?» в коллективной монографии «Развитие информационного общества в России», А. Г. Качкаеванинг муҳаррирлиги остидаги «Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные» тўплами, «Медиаконвергенция и мультимедийная журналистика» (тузувчи С. Д. Балмаева) кабиларнинг ишлари бу борада алоҳида эътиборга сазовордир. Лекин сўнгги даврларда юзага келаётган ахборот технологияларини онлайн журналистиканинг янги кўринишлари ва улар тараққиётининг ўзига хосликлари илмий тадқиқотлар ва адабиётларда тўлиқ қамраб олинмаган. Қолаверса, мазкур соҳада Буюк Британия ва Германияда катта тажриба тўпланган.

Усуллар

Журналистика таълими миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари фаолият доираси, таҳририятлар тузилиши ва хусусиятлари, оммавий

коммуникация воситалари, соҳалари ва каналларининг бугунги ҳолати, тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлгани учун мазкур соҳани тадқиқ этишда солиштириш, таҳлил, синтез, кейс стади сингари илмий-методологик усуллардан фойдаланишни талаб қилади. Ушбу мўъжаз тадқиқотда ҳам мазкур усуллардан фойдаланилди.

Натижа ва мулоҳазалар

XX асрда ОАВ ахборот технологиялари ёрдамида улкан имкониятларга эга бўлди. Мисол учун, нусха кўчириш технологиясининг такомиллашгани китоб, газета ва журналларнинг миллионлаб нусхада тарқалишини таъминлади. XIX аср сўнггида радио кашф қилинган, маълумот илк маротаба ахборот истеъмолчиларига электрон форматга ўтди. 1969 йилдан бошлаб интернет технологиялари рақамли ахборот етказишнинг тезкор ва қулай воситасига айланди.

Бугун биз яшаётган дунёда ахборот ва ғояларнинг эркин оқими жуда тезлашгани туфайли ОАВ мамлакат тараққиётининг муҳим, ҳал қилувчи кучига айланди. Электрон оммавий ахборот воситалари нафақат янгилик ва фикрлар манбаси, шу билан бирга, жамиятда адолат мезонларини тезкор ўрнатиш, аҳолини ҳақ-ҳуқуқларидан бохабар қилиш, фуқаролар муносабатини ўрганишнинг муҳим иштирокчисига айланди. Бу жараёнда ахборот маҳсулот сифатида истеъмолчига қандай етиб бориши муҳим масала. Эскирган ахборотнинг яроқсизлигини ҳисобга олсак, ахборот воситасининг аҳамияти ошади.

Ахборот инқилоби дунёни жуда тез суратларда ўзгартириб, инсониятга унинг ҳаётий фаолияти соҳаларида янги ечимлар ва имкониятларни тақдим этмоқда. Янги ахборот коммуникация технологиялари ва ҳисоблаш техникасининг жадал тараққиёти натижасида ташкил топган ахборот инқилоби сиёсий, иқтисодий, ижтимоий – маданий соҳалардаги туб ўзгаришларнинг сабаби бўлиб бормоқда. Интернет каби глобал ахборот тармоқларининг юзага келиши, анъанавий иқтисодиёт моделлари ва бизнесни жиддий тарзда ўзгартирмоқда, конвергенция жараёни технологик, иқтисодий ва ҳуқуқий чегараларни ювиб юбормоқда. Том маънодаги тарихий аҳамиятга эга бўлмиш мазкур жараёнлар ўз навбатида ОАВга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бугун интернет орқали ҳар қандай фойдаланувчи осонгина матнли, визуал ва овозли ахборотни олиши мумкин. Бу нафақат ахборот узатиш воситаси, балки бу шундай муҳитки, унда видео матн давомига айланиб, овоз сурат билан безалади. Бу ерда ОАВнинг мультимедиялаши ҳақида гапирар эканмиз, яна бир, яъни “конвергенция” тушунчасини тилга олиш жоиздир. Бунда анъанавий ОАВ ўртасидаги чегаралар йўқолди ва шу орқали журналистика, матбуот ва ОАВ соҳасида буткул янги давр бошланди. Ҳозирги янги ахборот технологиялар даврида бутун дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий жараёнлар табиий равишда жаҳон ва ўзбек миллий журналистикасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Замонавий ахборот

тарқатишни, жумладан, журналистикани электрон оммавий ахборот воситаларисиз ва интернетсиз тасаввур этиш қийин.

“Жаҳон ахборот макони глобаллашувининг кучайиши оммавий ахборот воситалари соҳасида мамлакат ва жаҳонда содир бўлаётган воқеаларга тез ва мос равишда муносабат билдира олишни тақозо этмоқда. Бу жабҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш эса олий таълим муассасаларининг устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Глобаллашув, фан-техника ҳамда ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ замонавий тараққиёт журналистик таълимда икки асосий жабҳани: универсаллик ва унинг акси бўлган ихтисослашувга интилиш тенденциясини келтириб чиқармоқда” [6, 31-32].

Журналистика конвергенцияси шароитида мамлакатимизда онлайн журналистиканинг вужудга келиши, шаклланиши ва кенг тармоқ олиши унинг таркибий қисми сифатида онлайн телевидениеда конвергенция ва дивергенция жараёнларини махсус ўрганиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Чунки интернет тармоғидаги оммавий ахборот воситаларининг сони тўхтовсиз ортиб бориб, уларда профессионал равишда фаолият юрита оладиган кадрларга бўлган талаб кучаймоқда. Мавжуд онлайн журналистика тизими фаолиятини атрофлича таҳлил этиш йўли билан онлайн телевидениени бугунги кундаги ривожланишини илмий-назарий ва амалий таҳлил этиш, хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ишнинг долзарблигини белгиловчи омиллардир.

“Замонавий технологик ютуқлар нафақат ахборотни самарали излаш, сақлашдангина иборат бўлмай, уни дунё миёсида тарқатиш имконини ҳам беради. Бугунги кунда янгиликлар бозорида ахборотнинг глобаллашуви билан бирга халқаро рақобатнинг кучайиши, ОАВга эгалик қилиш, мулоқот технологияларининг эркин алмашиши, жаҳон ахборот оламига мутлоқ эгалик қилишга интилувчи информацион тизимнинг шаклланиши кузатилмоқда. ОАВ фаолиятида қўлланила бошлаган янги технологиялар ёш кадрлардан ўқиш давомида техник ва таҳлилий кўникмаларни ҳам мукамал эгаллашни тақозо этади” [4, 29].

Миллий онлайн журналистика соҳасини ривожлантириш, келгусида миллий интернет тармоғидаги ахборот сайтларини жаҳоннинг кўзга кўринган йирик ОАВ сайтлари даражасида иш юритишини таъминлаш учун бугун мазкур соҳада самарали фаолият юрита оладиган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Журналистларнинг тайёрлашнинг миллий модели ва ундаги муаммолар ҳақида гап кетганда журналист ва олима Санобар Жуманованинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли:

“Шу кунгача олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ҳам малакали журналист кадрлар тайёрлашга зарур шарт-шароитни яратмас эди. Янги университетда мамлакатимизнинг оммавий коммуникация ва журналистика соҳасида эришган ютуқлари, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибаси ва ҳудудларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситаларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича ўқув-услубий адабиётларни яратиш, шунингдек, ўқув жараёнига замонавий ахборот технологиялари ва

масофадан ўқитиш усуллари жорий этиш амалга оширилса, бу каби муаммолар ҳам ўз ечимини топади”[3].

Агар биз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Ҳиндистон сингари давлатларнинг олий таълим тизими тажрибасига мурожаат қилсак, уларда Оммавий коммуникация соҳасида кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўламиз. Оммавий коммуникация журналистикадан кенгрок тушунча бўлиб, у мавжуд ОАВ каналлари билан бир қаторда, жамоатчилик билан алоқалар (паблик рилейшнз), ахборот хизматлари, реклама агентликлари каби фаолияти бевосита ахборот орқали аҳолига хизмат кўрсатадиган соҳаларни ўз ичига олади. Энг эътиборли жиҳати мазкур соҳада мутахассис тайёрлашда фақат оммавий ахборот тайёрлаш сифати хусусида бош қотирмасдан, уни аудиторияга узатиш техникаси ва технологияларидан эркин фойдаланишни ўргатишга ҳам алоҳида аҳамият берилади.

Жумладан, Германиядаги оммавий коммуникация соҳасидаги таълим даврида дарс машғулотларининг бир қисми ахборот материални тайёрлаш, репортёрлик ва муҳаррирлик, иккинчи қисми бевосита уларни оммага тақдим этишнинг шакл ва усуллари ҳақида бўлишига эътибор қаратилади. Бунда дарс машғулотлари давомида муайян мавзуда ахборот материали тайёрлаш ва унинг матн, сурат ёки видео материал билан тўлдириш ҳақида бош қотириш, ахборот материални тайёрлашда ҳар бир ОАВнинг техник имконият ва воситаларидан фойдаланиш, онлайн журналистика учун материал тайёрлашнинг ўзига хос талаблари, тушдан кейинги машғулотларни бевосита таҳририятлар, ахборот хизматлари, реклама агентликларида давом эттириш каби ўқитишни ташкил этиш йўлга қўйилган.

Оммавий коммуникация соҳаси бўйича таълимда онлайн нашрларни дизайн қилиш, аудио ва видео материалларни монтаж қилиш ва эфирга тайёрлаш, янгиликлар ва реклама матнлари, сценарийларини тайёрлаш сингари масалалар бўйича талабаларда амалий кўникмалар шакллантиришга ҳаракат қилинади.

Мазкур кўникмалар кадрларни нафақат муайян ОАВ турида, балки барча ОАВ каналларида, хусусан, интернет журналистикасида ҳам эркин фаолият юритиб кетишига кенг йўл очади.

Шу ўринда технологиялардан фойдаланишда ОАВ ходимларидан универсаллик талаб қилиниши баробарида мавзуларни ёритишда ихтисослашувга тавсия қилиш ҳоллари мавжуд. Журналистлар интернетда ёки бошқа анъанавий ОАВда ишлашларидан қатъий назар бирор-бир йўналишлар ихтисослашган ҳолда фаолият юритишлари лозим, шундагина ОАВда берилаётган материалларнинг сифати ошади.

Таъкидлаш ўринлики, интернет журналистика тараққиёти ахборот соҳасида янги фаолият турлари ва журналистика кўринишларини ҳам шакллантирди. Жумладан, блогерлик ва блогсоҳа, фуқаролик журналистикаси, фриланс журналистика кабилар бевосита онлайн журналистика таркибида ривож топмоқда. Интерактив журналистика интернет маконида янада кенгрок имкониятларга эга бўлган ҳолда тараққий этмоқда. Мобил алоқаларнинг оммалашиши ва ижтимоий тармоқларнинг тараққиёти аҳолининг ахборотни

олиш ва тарқатишдаги ролини кучайтирмоқда. Интернет журналистлари эса бу борада аҳолидан кўра кўпроқ билим ва тажрибага эга бўлишлари, аҳолининг глобал тармоқда ва анъанавий ОАВ каналларида ахборотга бўлган эҳтиёжини тезкор ва сифатли тарзда қондиришлари талаб этилади.

Бу ўринда шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, бутун жаҳон глобаллашув жараёни сари борар экан келажакда интернет журналистикаси ҳам ривожланаверади ва интернет журналистларга эса талаб ортади. Шу боис бугун журналистика факультетларида тил ўргатиш ва техник имкониятларидани келиб чиққан ҳолда оммавий коммуникация соҳасида таянч таълим беришни йўлга қўйиш, улардаги техник базани янгилаб, интернет журналистлари тайёрлашга урғу бериш ниҳоятда муҳим вазифалардандир. Мазкур йўналишни битирган кадрлар онлайн журналистика ва ПР соҳаларида шаклланиб келаётган меҳнат бозоридаги кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилиши лозим. Улар қуйи босқичларда замонавий ахборот асри технологиялари ва уларнинг дастурий асосларида ишлаш кўникмаларини ўрганса, юқори босқичларда оммавий ахборот билан ишлаш, журналистик ижод маҳорати сингари йўналишлардаги билим ва кўникмаларини шакллантиришлари зарур бўлади. Чунки глобал тармоқ учун тайёрланган матн, сурат, аудио ва видеоматериаллар сифатли ахборот материали бўлиш билан бир қаторда, онлайн муҳитда фойдаланиш учун қулай формат ва ўлчамларда бўлиши зарур.

Ўзбек олимларидан бири Санжар Содик ўзининг “Радиожурналистика асослари” номли ўқув қўлланмасида қуйидагиларни ёзади: “Интернет журналистикаси ўзида босма матбуотдаги ёзма матнни ҳам, радиога хос овозли шарҳни ҳам телевидениедаги жонли тасвирни ҳам мужассамлаштирган” (7, 29).

Бунинг учун эса мутахассисдан муайян даражада дастурий билимлар ҳам талаб этилади.

“XXI асрнинг энг катта ютуқлари сифатида оммавий ахборот воситаларининг глобаллашуви, рақамли технологияларга ўтиш ва интернет билан бирлашишни айтиш мумкин... Табиийки, интернетдек улкан виртуал кенгликдан оммавий ахборот воситалари ҳам биринчилардан бўлиб фойдалана бошлади. Шундай қилиб онлайн журналистика вужудга келди” [5, 10].

Конвергенция ОАВ фаолиятининг тубдан янгиланишига муҳим туртки бўлаётган тамойиллардан бири. Ушбу тушунча ўзида турли ОАВ га хос хусусиятларнинг бир оммавий коммуникация каналида бирлашиши, қоришиб кетишини ифодалайди. Технологиялар конвергенцияси турли ахборот тарқатиш каналлари: кабель, сунъий йўлдошли ТВ, мобил алоқалар, симсиз алоқа ва бошқалар орқали аҳолига ахборот етказишга қулайлик яратади. Шу билан бирга, матбуот, радио ва телевидеомаҳсулотларни ўзида жамлай олган универсал характерга эга ОАВни шакллантиради. Натижада аудиторияда ҳам бир мавзу ёки ҳодиса юзасидан далил ва ахборотга тўйинган турли шакл ва форматдаги маълумотларни олиш имконияти пайдо бўлади.

Журналистик амалиётда конвергенция бир неча кўринишларда намоён бўлмоқда:

1. Тайёрланаётган журналистик материалнинг конвергенциялашуви – бунда журналист томонидан тайёрланаётган ҳар бир материал матн, видео, аудио сингари қисмлардан иборат бўлади ва барча ОАВ каналларида узатиш мумкин.

2. Журналист касбининг конвергенциялашуви. Журналист мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда материал тайёрлайди. Ундан барча ОАВ тури учун таъсирчан ахборот тайёрлаш усул ва кўникмалари бўйича етарли билим бўлиши керак бўлади.

3. Ахборот бозорининг конвергенцияси. ОАВ саноати телекоммуникацион воситалар ва ахборот-компьютер технологиялар билан бирлашуви ахборот бозорида янги иштирокчилар: сунъий йўлдошли каналлар, интернет телевидение, компьютер компаниялари, интернет провайдерлар кабиларни бирлаштирди.

Конвергенциялашув шароитида мультимедиа воситалари, тармоқ хизматлари, компьютер технологиялари ва дастурий инжиниринг сингари соҳаларнинг имкониятлари бир коммуникация каналига бирлашади. Бу эса келажакда нафақат ОАВ тизими, балки у билан боғлиқ ахборот саноатини ҳам ўзгартириши мумкин[2, 115].

Айнан шундай шароитда замон талабларига мос ҳолда ҳам самарали ва тезкор журналистик ижод билан шуғуллана оладиган, ҳам энг сўнгги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот материали тўплаб, уларга ишлов бера оладиган журналист кадрларни тайёрлашга талаб кучайиб бораверади. Ўзбек олимларидан А.Нурматов таъкидлаганидек: “Бир вақтнинг ўзида янгиликлар ёза оладиган, интервью олиш, расм ва видеога тушириш маҳоратини эгаллай олган, уларни чоп этиш ёки эфирга узатиш учун материаллар тайёрлай оладиган универсал журналистларни етиштириш ҳозирги кунда жуда муҳим” [6, 32].

Хулоса

Ахборот асри онлайн журналистика ва анъанавий ОАВ фаолияти, улар ўртасидаги ўзаро рақобат асосида янгича қиёфага кирмоқда. Бугун журналистиканинг янги кўринишлари фуқаролик журналистикаси, блогсоҳа, интерактив журналистика, фриланс журналистика, мультимедиавий журналистика кабиларнинг жадал ривожланиши журналистик таълимнинг шакли ва усуллари ўзгартириб юбормоқда. Рақамли ОАВ тараққиёти ва рақобатнинг ўсиши шароитида журналистларни тайёрлашнинг замонавий моделларини миллий ва хорижий тажрибалар асосида тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Медиаконвергенция журналист кадрлар тайёрлаш тизимини қайта шакллантиришнинг муҳим омили сифатида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Медиаконвергенция журналистик амалиётда кадрлардан барча турдаги ОАВ каналлари учун ахборот материаллари тайёрлашни кўзда тутди.

2. Интернет журналистиканинг кенг оммалашиши ва тараққиёти, ОАВнинг интернетдаги саҳифалари ҳамда соф онлайн ОАВ кўринишларининг пайдо бўлиши конвергент таҳририятлар шаклланимоқда.

3. Онлайн ОАВ ва тахририятларда матн, фотосурат, аудио ва видео материаллар, инфографика, анимация каби барча турдаги ахборот материаллари тайёрлаш ахборот бозоридаги рақобатда самарали журналистик фаолият юритишнинг асосларидан бўлиб қолмоқда.

4. Ахборот асрида конвергент хусусиятга эга ахборот матриаллари тайёрлайдиган малакали журналистларга эҳтиёж ортмоқда ва бу журналистика соҳасида таълим берадиган муассасалари ўз ўқув режаларини қайта кўриб чиқишнитоқозо этди. Ҳозир барча факультетлардаги ўқув режаларда интернет журналистика фани бир ёки бир неча фанлар доирасида ўқитилмоқда.

5. Фукаролик журналистикаси ва блогсоҳанинг ривож ва талабаларнинг улардаги фаол иштироки бевосита ўқитувчилар ва таълим берувчилардан бир қатор фанлар мазмун-мундарижасини қайта кўриб чиқиш талабини қўймоқда. Бугунги кунда “Медиадизайн асослари”, “Журналистикада АКТ”, “Матбуот типологияси ва техникаси” сингари фанлар, шунингдек, матбуот, радиожурналистика, тележурналистика асосларини ўргатадиган фанлар таркибида ҳам онлайн журналистика хусусиятлари ўргатилмоқда.

Умуман олганда, ахборот асри ва рақамли медиатеchnологиялар ривожланган, миллий ва хорижий ОАВ ўртасида кескин рақобат кучайиб бораётган бугунги даврда замон талаблари даражасида тезкор ва журналистика тамойилларига мос ҳолда иш юрита оладиган журналист кадрларни тайёрлашнинг миллий ва хорижий моделлари, усуллари ва технологияларини ва бу борадаги янгича ёндашувларни тадқиқ қилиш ва уларнинг ютуқли жиҳатларини амалиётга татбиқ этиш бугунги кунда нафақат журналистика олий таълимнинг, балки журналистика ва оммавий коммуникация соҳасининг энг долзарб вазифаларидандир. Чунки журналистик таълим мазкур соҳа тараққиётини таъминловчи ва келажагини белгиловчи муҳим пойдевордир. Ахборот асри жамиятдаги соҳаларда ахборот технологияларини кенг қўллаш талабини қўяр экан, мазкур йўналишда чуқур билим ва кўникмага эга бўлган кадрларга эҳтиёж тобора ортиб бораверади. Мамлакатни ташқи ахборот хуружларидан ҳимоялаш, миллий интернет сегментини тўлдиришда ҳам онлайн журналист кадрларнинг ўрни ниҳоятда муҳимлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3737-сон қарори. // <http://lex.uz> 24.05.2018.

2. Дадахонов А. Онлайн журналистика тараққиётининг асосий тенденциялари // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнали www.fledu.uz, №2 (10) /2016. – Б. 115.

3. Жуманова С. Янги университет журналистик таълимдаги қандай муаммоларни ҳал этади? // <http://marifat.uz> 30.05.2018

4. Мирсоатова М. Ёш журналист кадрларни тайёрлашда медиатаълим тизимини олиб бориш жараёни. // “Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари” мавзуида илмий-амалий семинар материаллари. – Т., Ғафур Ғулом НМИУ, 2013. Б. 514.

5. Мўминов Ф.А “Ҳамроҳми ёки ҳамкор”, Интернет журналистика илмий мақолалар тўплами, Т., 2005. Б. 112.

6. Нурматов А. Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув. // “Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари” мавзуида илмий-амалий семинар материаллари. – Т., Ғафур Ғулом НМИУ, 2013. Б. 514.

7. Содик С. Радиожурналистика асослари. Журналистика факультетлари учун ўқув қўлланма –Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. – 124 с